

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

ҚИЗЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК КҮРСАТКИЧЛАРИ ТАХЛИЛИ

Убайдуллаев Рахимжон Муродилович

Фарғона давлат университети

Жисмоний маданият факультети YoBIBD тиовини

Эргашалиева Шириной

Жисмоний маданият йўналиши 1-курс талабаси

Аннотация . Талаба қизларнинг умумий жисмоний тайёргарлигини ошириш мақсадида Фарғона давлат университети спорт залида тажриба-синов майдони ташкил қилинди.

Калит сўзЖисмоний тайёрлаш, функционал имкониятлари, жисмоний сифатлар куч, тезкорлик, чидамлилик, чаққонлик ва эгилувчанлик.

Талаба-қизларни жисмоний тайёрлаш спорт машғулотларининг энг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланиб организмни ҳар томонлама ривожлантириш, соғлиғини мустаҳкамлаш жисмоний сифатларини тарбиялаш ва спорт тайёргарлигини барча бошқа турлар учун мустаҳкам функционал база яратишга йўналтирилган жараён сифатида тушунилади.

Талаба қизларнинг умумий жисмоний тайёргарлигида юксак натижаларга эришиш учун пойдевор, зарури асос бўлиб ҳисобланади.

У қўйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

1. Талаба қизлар организмининг функционал имкониятларини ошириш;
2. Жисмоний сифатлар куч, тезкорлик, чидамлилик, чаққонлик ва эгилувчанликни ривожлантириш;
3. Талаба қизлар организмининг жисмоний ривожланишидаги камчиликларни йўқ қилиш.

Талаба қизларнинг умумий жисмоний тайёргарлигини ошириш мақсадида Фарғона давлат университети спорт залида тажриба-синов майдони ташкил қилинди.


Турли жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган мажмуали йўналишдаги юкламаларни қўллашда биринчи навбатда қўйидагиларни эътиборга олдик:

1. Оқилона изчилликни, яъни ҳар хил сифатларни ривожлантиришга кўмаклашадиган юкламаларни машғулотга киритиш тартиби ва кетма-кетлиги аниқлаб олинди;
2. Юкламалар ҳажми ва шиддатининг оқилона нисбати танланди.

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

Жисмоний сифатларни тарбиялаш, биринчидан мувозанатни ўлчаш жиҳатидан мураккаб ҳаракатларни ўзлаштириб олиш қобилиягини тарбиялашдан, иккинчидан, ҳаракат фаолиятини тўсатдан ўзлаштириш лозим бўлган талабларга мувофиқ равишда қайта кўриш қобилиятларини тарбиялашдан иборатдир.

Шундай қилиб олиб борилган илмий тадқиқот ишларимизни таққослайдиган бўлсақ, 100 метрга югуришда дастлаб тажриба гурухида 17,7 сония вақт бўлган бўлса, тажриба-синов якунида 16.7 сония вақтга яхшиланди. Назорат гурухидаги талаба қизларнинг дастлабки натижалари 18.0 сония вақтга тенг бўлган бўлса, тадқиқотнинг якунида 17.4 сония вақтга яхшиланди.



1-расм. Талаба қизларининг 100 метрга югуришдаги дастлабки ва якуний кўрсаткич динамикаси

Тезкорликни ривожлантириш ва тарбиялашнинг асосий йўли янги хилманил ҳаракат малака қўнималарини шакллантириш демакдир. Тезкорликни ривожлантириш учун баландликка турли усул билан, орқага, олдинга, ёнлама, айланиб югуриб сакраш, ўйинларда турли тактик комбинацияларни қўллаш, машқларни бажаришда тез-тез шерикларини алмаштириш, халқ ҳаракатли ўйинларни эркин тез-тез ўзлаштириш ва қўллаш асосида ривожлантириш мумкин. Тажриба гурухидаги талаба қизлардан тезкорликни тарбиялашда халқ ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш назорат гурухидаги талаба қизларнинг натижасиги қараганда юқори статистик аҳамиятга эга бўлган даражада ($t = 3.8$ Р < 0.001) тенглиги аниқланди.

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Dexqonov B.B. (2022). Spiritual Training of Young Athletes. International journal of social science & interdisciplinary research issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(04), 144-146.
2. Abdukhamedovich, Moydinov Iqboljon. "IMPROVING THE FUNCTIONAL SKILLS OF THE BELT WRESTLER." *Open Access Repository* 9.9 (2023): 109-114.
3. Abdukhamedovich, Moydinov Iqboljon. "DEVELOPING TECHNICAL TRAINING OF WRESTLERS WITH SPECIAL MOVING GAMES." *Open Access Repository* 9.9 (2023): 130-136.
4. Abdukhamedovich, Muydinov Iqboljon, Sarukhanov Arsen Albertovich, and Azizov Mukhammadjon Azamovich. "Physical culture as a motor factor of mental performance of adolescents." *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.11* (2022): 128-134.
5. Akramjonovich, Y. I., Azamovich, A. M., & Ilyasovich, M. S. (2022). Developing human thinking and moving speed through table tennis. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(4), 164-165.
6. Umidovich, A. B. (2022). Legal grounds for the development of the sports industry in uzbekistan. *Asia pacific journal of marketing & management review* issn: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(11), 46-49.
7. Urinboevna, U. Z., Burkhanovich, D. B., & Ismailovna, Y. F. (2022). New technologies for the development of strength qualities Youth. International journal of social science & interdisciplinary research issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(11), 220-224.
8. Саруханов, А. А., Азизов, М. А., & Аминов, Б. У. (2023, January). Новые технологии для развития силовых качеств у студентов. In international scientific and practical conference " the time of scientific progress" (Vol. 2, No. 1, pp. 217-225).